



Фавқуллода ҳодисалар ҳаётга янги кўз билан қарашни, ўтган-кетган воқеаларни мантиқ чигиридан ўтказишни тақозо этади. Бехиёб инсон умри, ҳаёт мазмуни, лўнда қилиб айтганда, инсон кадр-қиммати ҳақида ўйлаб қолсан, киши. Одам нима учун яшайди? Инсон кадр-қиммати нимадан иборат? Яшашдан мақсад нима ўзи? Фоний вужуднинг фақат моддий эҳтиёжларини қондириши? Инсон кадр-қимматини англаш, тушуниб етиш, бир одамдай яшаб ўтиш, ўзидан ўчмас бир из, яхши ном, хотира қолдириши?

**Кадр деганда ҳаётда онгли яшайдиган одам, яъни Аллоҳ таоло ўзига ато этган иқтидор, салоҳиятни англай олган одам тушунилмайди.** Халқимизда кадр билмаснинг қадри йўқ, деган гап бор. Кадр -- бу, ростдан ҳам ҳаёт мазмунини англаб етиш, илгари фақат орзу-армон бўлган, бугун эса реалликка айланган воқеликни тўғри идрок этиш, ҳаётдаги ўз мақсадларини ҳимоя қилиш, рўёбга чиқариш учун курашиш дегани эмасми? Нега бўлмаса одам қадри топталса, гўё юрагига найза санчилгандек безовта бўлади. Бу унинг ҳаётдан кўзлаган мақсадларига тажовуз қилингани учун эмасми?

Инсон адашмаслиги, бошқаларнинг ҳар қандай гапига лаққа тушмаслиги учун. Президентимиз ибораси билан айтганда, унинг ўзида мустақил фикр, муайян ҳаётга қатъият (яъни принцип) бўлиши, ўз қадрини билиши керак. Бу қатъият инсоннинг ҳаёт маъносини англашдан келиб чиққан мақсадларига интилиши асосида шаклланади, мустаҳкамланади. Бу қатъият инсоннинг ҳаётдан кўзлаган мақсадини, болачақаси, ота-онаси, эл-юрти, ҳаёт, табиат, жамият ва Парвардигор олдидаги масъулиятини ифодалайди, жавобгарлигидан келиб чиқади.

Афеуски, бир умр яшаб, кадр нима-ю қиммат нималигини билмай, ҳаёт мазмунини англамай, эзгу гоғлар учун кураш завқини туймай, мақсадга эришишнинг нашидасини сурмай ўтиб кетаётганлар қанча.

Аллоҳ таоло ўзи азиз билган бандаларига синов юборар экан. Куръони Каримнинг Бақара сураси, 155 оятида: "Албатта, сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирон мусибат етганда "албатта, биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта, биз у зотга қайтгувчиларимиз" дейдиган сабрли бандаларга хушхабар беринг", дея иноят этилган.

Бошига синов тушмаган одам ҳаётнинг қадрига етмайди. Кечанинг бугундан фарқини ҳам, бугуннинг кечадан афзаллигини ҳам, эртанинг қандай келиши мумкинлигини ҳам билмайди.

Ҳаётнинг турли синовларидан эсон-омон ўтиш учун кишида инсон кадр-қимматини, ҳаёт мазмунини тушуниш орқали шаклланган мақсад ва бу мақсадга эришиш учун мустаҳкам ирода, сабр-тоқат ва шукроналик, фидойилик бўлиши шарт.

Ориятли одам ўз кадр-қимматини нозик ҳис этади. Қаттиқроқ тегиб кетсангиз, нафсонияти оғрийди, ўзини камситилган ҳисоблайди, шаънини ҳимоя қилиш учун бел боғлайди.

**Қани энди, бу ҳаётда яшаётган ҳар бир инсон ўз кадр-қимматини шундай англасса, кадр-қимматини ерга урадиганлар билан курашишга ҳар доим тайёр бўлса!**

Ўйлаб кўрилса, 16 февраль куни пойтахтимизда бўлиб ўтган воқеалар тушунчаларимизга катта зарба етказгандек. Бу аслида фақат кўрқув ҳолатида рўй бериши мумкин. Одам кўрқув ҳолатига тушиб қолса, мустақил фикрлай олмайди. Тўғрироғи, мустақил фикрга эга бўлмаган одам кўрқувга, ваҳимага тушиши мумкин. Яна ҳам тўғрироғи, иродаси суст кишигина онгли фикрлаш, воқеаларнинг моҳиятига етишга ожизлик қилади.

**Президентимиз такрор-такрор уқтириб айтганларидек: мамлакатимиз-**

**да амалга ошириладиган демократик жараёнлардан бош мақсад -- миллат сифатида ўзликини англашдир. Одамлар ҳаётни, динликларни онгли равишда идрок этсин.** Ислохотлар жараёни маъқул бўлса, уларни ўз шахсий эҳтиёжи, фуқаролик бурчи сифатида қабул қилсин. Маъқул бўлмаса, майли, танқид қилсин, фикрини билдирсин, аммо амалий таклифларини айтсин, мавжуд камчиликни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўсин. Акс ҳолда, ҳар қандай танқид куруқ гап бўлиб қолаверсади.

Ҳаётимизга бир назар солайлик: бундан бор-йўғи ўн йил олдин ким эдигу бугун ким бўлди! Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди? Тилимиз, динимиз қай аҳволга тушиб қолгани хотирамиздан кўтариладими? Имом ал-Бухорий каби улуг муҳаддисларимизнинг муқаддас қабрлари хароба тиканзор бўлиб ётганини унутма оламизми? Миллий гуруҳ ҳақида сўз оча олармидик? Дунёда ўзбек деган халқ, Ўзбекистон деган мамлакат борлигини биров билармиди?

Хукмрон мафкурага сал қовушмайди-ган оддий бир гап учун халқнинг асл фарзандлари қатагон қилинган, аксарият одамлар иккиюзламачи, тилёғламалик орқасидан кун кечирган даврлар ҳали хотирамизда эскиргани йўқ.

Президентимиз кўп бора таъкидлаганларидек, **коммунистик ақидапарастлик ҳам, диний ақидапарастлик ҳам бизга мутлақо тўғри келмайди.** Уларнинг ҳар иккаласи ҳам тарихий нуқтаи назардан халқимиз табиатига ёт, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизга зид. Замонавий нуқтаи назардан келиб чиқсак, **бу ҳар икки ақидапарастлик одамлар ҳаётни онгли қабул қилишларига изн бермайди, рад этади.** Аҳоли орасига парокандалик ва қутқу солади. Йўлига кирмаганларни, йўриғига юрмаганларни бадном қилиш, кўрқитиш, таъийқ ўтказиш, ёстигини қуритиш ҳар икки ақидапарастлар учун манфур мақсаддан бошқа нарса эмас.

Буни жафокаш халқимиз бошидан кўп ўтказди. Энг сўнгги воқеа диний ақидапарастларнинг жирканч башарасини яна бир бор намоиш этди.

Дўппини олиб қўйиб, ўйлаб кўрайлик. Ўзбекистонимизнинг истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғи одамларнинг ҳаётни онгли ирода этишлари учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий асослар, шарт-шароитлар яратиб берилгани эмасми? Аслини айтганда, бу чинакам демократик жамият талаби. Ўзгаришларни онгли қабул қилиш -- биз танлаган йўл! **Ўзгаришларни онгли қабул қилиш, содда қилиб айтганда, дастурхон тўқинлигини ҳам, камчилигини ҳам онгли идрок этиш -- бу ҳаётнинг қадрига етиш демак.** Онгли қараш, авваламбор, ҳаётни мантиқий, яъни ақл тарозусида идрок этиш. Ақл-идрок фақат инсонгагина инъом этилган энг улуг неъмат, одамзод кўлидаги энг буюк қурол эмасми? Ақлини ишлатмаган, фикрида мантиқ бўлмаган одам билан баҳслашишнинг ўзи мантиқсизликдир.

Бу гапларни эслашдан муддао нима?

Келажаги буюк давлат қураёмиз. Инсоф билан айтганда, етти йилда етмиш йилда қилинмаган ишлар қилинди. Бу мақсадларга бутун халқ кучи ва иродаси туфайли эришилди. Президентимиз "Ўзбекистон -- келажаги буюк давлат", деган шиорни айнан халқимиз идрокки, салоҳиятига ишониб ўртага ташлаганлар. Ўз-ўзидан аёнки, энди одамларнинг ўзлари фаол бўлишлари, ҳаётни онгли қабул қилишлари, жамиятдаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олишлари, шу тариха мамлакат раҳбари, ҳаёт ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интилишлари лозим. **Сирасини айтганда, халқ билан оломон ана шу жиҳатига кўра фарқланади.** Халқ воқеа ва ҳодисаларни онгли идрок этса, оломон кўр-кўрона жазав таъсиридан ҳеч қачон балинд туролмаган.

16 февраль воқеаларини ана шундай қарашлардан келиб чиқиб баҳолаш керак. Мудҳиш воқеалар туфайли беғуноҳ ҳалок бўлганларни эслаш, улар хотирасини олдидан бош эгиш, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. **Лекин асосий бурчимиз -- воқеаларни онгли идрок этиш, онгли таҳлил қилиш.** Бу тажовуз нима учун қилинди? Бу жаҳолат орқасида кимлар турибди? Уларнинг асл мақсадлари нима?

Бу машғум воқеа нега айнан республика-миз пойтахтида содир бўлди?

Ва ниҳоят, бу воқеалар атрофида кимлар турибди?

Уларнинг ижрочилари ўзимизнинг орамиздан чиққан, кеча сизу биз билан ёнма-ён яшаган, шу эл тузини еб, тузлуғига тупурган, оқпадар кимсалар эмасми?

Бундай хунрезликни истаган, хоҳлаган одамлар кимлар, уларнинг бу қабиҳ маънавий қиёфаси кимларга маъқул? Сиртидан сир бермасаям ичидан хайрихоҳ бўлганлар, машғум воқеани жону дили билан хоҳлаганлар, воқеа босилгач, ичини ит тимдалаганлар кимлар?

Яна бир савол кишини ўйлантиради. Бу мудҳиш тажовузнинг ташкилотчилари кимлар, оғзидан олов пуркаган аждарҳонинг боши ким? Ким бу аждарҳонинг қомига ўлакка ташлаб турибди? У кимнинг кўлмагидан сув ичади, кимнинг горида жон сақлайди, кимнинг измига юради? Озодлик йўлидан бизни ортга қайтармоқчи бўлаётганлар кимлар ўзи?

Бу саволларга жавоб топиш учун яқин ўтмишда кечган жараёнларга бир назар ташлашга тўғри келади.

Истиқлолимиз арафасида ва ундан кейинги дастлабки йилларда "биз демократия курашимиз", деб аюҳаннос солиб, **сохта демократлар, амалпарастлар** майдонга чиқишди. Ижтимоий-сиёсий майдонда қуондай изиган бу кучлар халқни ўз ортидан эргаштириш учун айнан нималардан қурол сифатида фойдаланмоқчи бўлган эди?

Албатта, улар анойи эмас эдилар. Шўро

заҳматқашлар бир четда қолиб, қанча-қанча дордан қочганлар Наманган, Фарғона, Хоразмда шу куруқ инкор ҳисобига сохта обрў орттиришга интилганликларини бугун ким инкор эта олади? Бугун қани ўша куруқ инкордан нарига ўта олмаганлар? Нима каромат кўрсатишмоқда?

**Учинчи қурол.** Ўзбекистон Мустақиллиги, Она-Ватанимиз озодлиги. Яна ўша сохта арбоблар ва уларнинг тили-жағи ўткир гумашталари "Мустақилликни мустаҳкамлаш керак, асраш керак. Уни биз уддалаймиз!", дея қанчалик жар солишмади, томоқ йиртиб хайқиринмади?!

Аслида бу ўзгаришларнинг бошида ким турди, элнинг яра бўлган кўнглига ким малҳам тугди? Уни мустаҳкамлаш, мамлакатнинг қаддини ростлаш, жаҳон ҳам-жамиятидаги мавқеини кўтариш, бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун ким жон фидо қилмоқда? Ислоҳ Каримов эмасми?

Бундан беш-олти йил илгари Тошкентга келган одам бугун шаҳарни таниёлмай қолиши ҳеч гап эмас. Бошқа шаҳару қишлоқларимиздаги ободончилик ишлари, қад кўтарган иморатларимизни айтмай-сизми?! Буларнинг бошида ким турибди? Ислоҳ Каримов эмасми?

Хўш, бугун собиқ иттифоқ худудидаги кўпгина давлатлар, халқлар азоб чекиб зўрға кун кечираётган бир пайтда эркин ва ўз мустақил иродаси билан яшаётган энг обод мамлакат қайси? Ўзбекистон эмасми?

Узоқни кўзлаган, жаҳон тан олаётган, вазмин, оқилона сиёсат олиб бораётган

## ОГОҲЛИККА

# ФЕВРАЛЬ

**У кимларга керак бўлди? Ижрочилари**

истибдодига нисбатан одамларнинг кайфияти, руҳиятида пайдо бўлган норозиликлардан қурол сифатида фойдаланишга ҳаракат қилишди.

Хўш, бу қуроллар айнан нималардан иборат эди?

**Биринчи қурол.** Улар шўро тузумидан, гдлянчилар зугуми ва десантчилар бедодликларидан, миллий гурури топталган халқнинг мустабид замонга бўлган норозиликларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлишди. Хўроз уч марта қичқирсам, тонг отади деб ўйлаганидек, сохта демократлар аюҳаннос солсак, ҳаммаёқ обод бўлади, демократия ўрнатилди, ҳокимият қўлимизга ўтади, деб ўйлашганди. Бу йўлда улар турли ўйинлардан, ҳатто қора кучлардан ҳам фойдаланишдан ор қилишмади.

Душанбега бориб Шохидон майдонидаги олатасирларда демократ сифатида қатнашган: "Мана, демократия!", - деб Тошкентда ҳам ана шундай ноқонуний митинглар, тартибсизликларни уюштирган ўшалар эмасми?

Тасаввур қилиб кўринг, ўшандай намоёнларга йўл қўйилганда, бу ғаламис кимсалар ҳокимият тепасига келганда Ўзбекистон бошига Тожикистондагига нисбатан минг қарра оғир кунлар, кулфатлар, қирғинлар ёғилмасми?

**Иккинчи қурол.** Шўро даврида миллий қадриятларимиз ҳам, тилимиз ҳам, муқаддас динимиз ҳам, урф-одатларимиз ҳам, улуг аллома ва мутафаккирларимиз номи ва мероси ҳам топталган, таҳқирланган эди. Бу қадриятлар орасида тил алоҳида ўрин тутади. Ўша даврда мана шу муаммоларни рўқач қилиб, сохта обрў топиш учун олиб-югурганлар озмунча эдимиз? Бу шўро тузумининг ана шундай камчиликларини бор-йўғи инкор этишдан иборат жазав эди.

Бу табаррук гоғларни - энг ўткир қуролни гаразли мақсадлар учун ишлатишга уриниш эди. Ўша пайтда чинакам

ким? Ислоҳ Каримов эмасми?

МДХ давлатлари орасида дунё миқёсида энг кўп ташаббуслар билан чиқаётган, узоқни кўра билаётган Президент ким? Ислоҳ Каримов эмасми?

**Тўртинчи қурол.** Пахта яккахокимлиги оқибатлари, қишлоқ аҳолисининг ўша даврдаги турмуш даражаси. Бу масалада ҳам сиёсат майдонида бонг уриш, сохта обрў орттириш учун қанчадан-қанча жазавали ҳаракатлар содир бўлмади.

Энди ўтган етти йилдаги ўзгаришларга назар солинг. Етти йил ичида қанчадан-қанча қишлоқларимиз обод бўлди. Етмиш йил ичида газ нима, тоза ичимлик суви нималигини билмаган энг олис қишлоқларга ҳам бу табиий неъматлар етиб бора бошлади. Пахта яккахокимлигига ҳам тамомила барҳам берилди.

Самолётлар устимиздан заҳриқотил сеппиб, умримизга зомин бўлганлари бугун бир машғум тушга ўхшаб қолмадими?

**Бешинчи қурол.** Ўзбек номини улуглаш, дунёга танитиш. Бу ҳақда тафсилотларга берилмай, лўндасини айтиб қўя қолайлик.

Демократия ўйинлари авжига чиққан 80-йиллар охири 90-йиллар бошида жабрдийда одамларни жунбушга келтирган сафсатабозлар, сохта арбоблар хуруждан мамлакатни асраб, миллатни маънавий инкироздан олиб чиққан, унинг қаддини кўтариб, тарихи, санъати, қадимий шаҳарлари, бунёдкорлик ишлари орқали ўзбекистон довуғини дунёга ёяётган ким? Ўзбекистон байроғини дунё миқёсида балинд кўтариб турган ким?

Бугун дунё Ўзбекистон салоҳиятини эътироф этмоқда, миллатимизнинг палаги тоза, жаҳоний мартабаси балинд эканлигини кўриб, билиб, ҳис қилиб турибди. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ, албатта. Улуг бобомиз Амир Темур довуғини

қайтадан тиклаш, бутун дунёга таратиш, Бухоро ва Хива шаҳарлари тўйларининг дунё миқёсида нишонланиши ҳазилакам гапми? Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улугбек, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратларининг муборак тўйлари-чи?

“Шарқ тароналари” фестивали, халқаро киноанжуманлар Ўзбекистонни етти иқлимга танитиб қолмай, халқимизнинг ўз тарихи, улуг аждодлари, гўзал Ватани билан ҳақли равишда ифтихор қилишига асос бўлмасми?

**Олтинчи қурол.** Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ “Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун” шиори устивор вазифа қилиб қўйилди. Бош мақсадимиз инсоннинг иззатини жойига қўйиш, дея давлат этди Президент. Оила йили Оиланинг, Аёллар йили Аёлнинг, Инсон манфаатлари йили Инсоннинг улугланишига, кадр-қимматини теран англаб етишига, ўзига хурмат билан қарашига, инсонга эътибор муҳити қарор топишига самарали таъсир кўрсатганлигини ҳис этмаслик, кўрмаслик мумкинми?

**Еттинчи қурол.** Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг ҳақ-хуқуқи, кадр-қиммати демократик қонунлар асосида қафолатланган. Демократик институтлар, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ҳуқуқий онгни шакллантиришга хизмат қиладиган ўнлаб марказлар, шу жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон

бермадимми? Албатта, барчамиз тан ола-миз: ҳали муаммоларимиз оз эмас. Буни Юртбошимиз очик айтаётган. Ўзимиз ҳам кўриб турибмиз.

Оқоридаги фикрлардан келиб чиқилса, 16 февраль воқеалари ўз-ўзидан рўй бергани йўқ. Бу ақидапарастлар, айрим ватангадоларнинг жон талвасаси, сўнгги чораси деб айтиш мумкин.

Сохта обрў топишда устаси фаранг бўлган Муҳаммад Солиҳ, у билан бирга шаталоқ отиб юрган аламзада ватангадолар, агар виждони бўлса, бу ҳақиқатларни инкор қила оладими?

Муҳаммад Солиҳ жаноблари, айтишларича, уч марта уйланган. Бир замонлар биринчи аёлдан туғилган қизларига ҳатто алимент тўлашдан қочиб юрган бу хотин-боз ҳозир беш вақт намоз ўқир эмиш! Қариндошларига ёзган охириги хатида у: “Художўй, диний ақидага берилган болаларни Истамбулга жўнатинглар!” - деб илтимос қилибди.

“Демократ ватанпарвар”нинг бу илтимосидан бир савол туғилади: хўш, нима учун бу болалар овораи сарсон бўлиб Истамбулга бориши керак экан? Диний таълим олиш учунми? Нима, исломий таълим ала-Бухорий ватанига нисбатан Истамбулда кучли эканми? Улар Солиҳга нега керак бўлиб қолди? Нима, улар олдига пешво чиқиб, имомлик сарупосини киймоқчимизми?

Беш вақт саждага бош уриб гуноҳларини ювмоқчимизми? Ё ўзини чин мусулмон кўрсатиб янги қиёфага

янинг “Новости” ахборот агентлиги муҳбирининг ёзишича, ўтган чоршанба куни Ҳасавюрт тумани Герзел назорат постида курулланган ҳолда Чеченистон - Доғистон чегарасини ноқонуний равишда кесиб ўтаётган ўзбек миллатига мансуб уч нафар шахс қўлга олинган. Уларнинг ёнидан учта пистолет ва Ф-1 гранатаси чиққан.

Бу ҳақда Доғистон ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Сергей Оленченко матбуот конференциясида маълум қилди.

Қўлга олинганлар сўроқ қилинганда, улар Чеченистон ҳудудида ҳарбий тайёргарлик ўтагани маълум бўлган. Оленченко айтишича, бу Ичкерияда одамлар хуфячилик, пистирма, ҳарбий топография ва бошқа ҳарбий машғулотлардан сабоқ олиб, жанговар ҳаракатларга тайёргарлик кўришаётгани ҳақидаги ахборотни тасдиқлайди.

Мазкур маълумотни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бундан бир неча ҳафта муқаддам айнан шу чегара назорат постида ушланган Ўзбекистоннинг бошқа бир фуқаросидан олган. Унинг ёнидан Чеченистон ҳудудидаги ҳарбий ўқув марказларидан бирида ўтилган ҳарбий сабоқ маърузалари топилиб.

Биздаги маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг ўзида оч бўридай изғиб юриб, қўлга тушган баъзи ёлловчилар ҳам шу ва шунга ўхшаш кўплаб далилларни “сайраб” айтишмоқда.

Халқимизнинг мўмин-қобил йигитларини йўлдан уриб, жангарига айлантираётган, уларни жаҳолат, хунрезлик ва жиноят сари бошлаётган, миллатнинг шаънига халқаро миқёсда иснод келтириётган Солиҳнинг, гумашталарининг муддаоси нима ўзи?

Истамбулнинг хилват бир гўшасида ўзини ваҳҳобий ҳисоблаган, Афғонистон, Тожикистонда қўлини қонга ботирган, Пешовар, Истамбул, Чеченистон, Қобул, Қандаҳорда итдай изғувчи Тоҳир Йўлдош билан оғиз-бурун ўпишиб юрганлигини ҳеч ким билмайди, деб ўйлайдими?

Бу хуфя учрашувлар ортида қандай мақсад яширин эканлиги маълум-ку! Шунча қилмишларидан кейин Солиҳ жанобларининг демократлиги қаёқда қолди? Миллатпарварлиги қаёқда қолди? Унинг кирдикорларини исботлайдиган старли далиллар мавжуд ва вақти келганда ошкор қилинади.

16 февраль куни Тошкентда содир этилган хунрезликда, Президент ҳаётига суиқасдада унинг қўли йўқ деб ўйлайсизми? Тоҳир Йўлдош қабиҳларча, ҳокимиятни олгандан кейин Солиҳ бизга керак бўлади, дейди. “Демократ”нинг номи унча халқ назаридан панада туриши, одамларнинг умрига зомин бўлган хунрезлик, разилликка аралашиб қолмаслиги, қонга булганмаслиги керак. Ё, алҳазар!

Аллоҳ таоло инсонни ақлидан жудо этмасин экан. Ақлни олгандан кейин одамзод кўнглининг тубидаги пинҳоний ниятга эришиш учун ҳар қандай йўлдан, ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайди. “Доҳий”лик касалига мубтало бўлган амалпарастлар одатда инсоният бахт-саодати ҳақида булбулигуёдай сайраб туриб, ўз мақсадига эришиш йўлида одамларни босиб-янчиб ўтаверади. Бунга иймон келтириш учун ярим умри қочоқликда ўтган “пролетариат доҳийси” ўз гумашталари қўли билан ҳокимиятга эришгач, шафқатсиз равишда дарё-дарё қон тўкканини эслаш кифоядир.

Диний ақидапарастлар хуружи воситасида “демократ доҳий” ҳам Ўзбекистон бошига қора кунларни солишни ният қилганлиги сир эмас. Февраль воқеаларида бу муттаҳамнинг қўли борлигини ошкор қилишнинг вақти-соати келади, албатта.

Мард, доворак инсон бошига қилич келса ҳам, агар у чинакам ватанпарвар бўлса, юртини ташлаб қочиб кетмайди. Бундай кўрқоқ кимсаларгина узоқдан туриб, ўзини ботир кўрсатиши, сохта ниқоб остида эса орқадан тиг санчишдек манфур ишга қўл уриши мумкин. Доно халқ топиб айтган: ноқаснинг борар жойи - жаҳаннам!

Асадулла ҲАҚНАЗАР.  
 («Халқ сўзи» газетаси  
1999 йил 27 февраль)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### 9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида

Уруш фахрийлари, иштирокчилари ва урушда қурбон бўлганларнинг оилаларидан тушаётган кўплаб илтимосномаларни, халқимизнинг, жамоат ташкилотларининг билдираётган хоҳиш-иродасини инобатга олиб, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлганларнинг, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ўзбекистоннинг барча ўғлонлари хотирасини абадийлаштириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишиларнинг хурматини жойига қўйиш мақсадида:

1. 9 Май Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг пойтахтимиз марказида Хотира майдони ташкил этиш, ушбу майдон қурилишини 1999 йилнинг 20 апрелигача тугаллаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

3. Хотира ва Қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатинда кенг нишонланишини таъминлаш барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, идора ва корхоналарнинг биринчи галдаги вазифаси, барча Ўзбекистон фуқароларининг ор-номус, виждон иши ва маънавий бурчи деб белгилансин. Фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, бор куч-қувватини аямаган бирор бир фахрий, бирор бир киши унутилмаслиги керак. Уларнинг ҳар бирига муносиб хурмат-эҳтиром кўрсатилиши шарт.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоят ҳокимликлари Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида шундай Хотира майдонларини бунёд этиш режасини ишлаб чиқсинлар ҳамда уни амалга ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Хотира ва Қадрлаш куни билан боғлиқ тадбирлар юксак ахлоқий-маънавий савияда ўтказилсин, фахрийларга, Ватанимиз мустақиллиги ва шаънини ҳимоя қилганларнинг барчасига моддий ёрдам кўрсатилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси мазкур масала юзасидан ўн кун муддат ичида Қарор тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1999 йил 2 март

## ДАЪВАТ

# ВОҚЕАЛАРИ

### кимлар? Ташкилотчилари-чи?

ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази ишлаб турибди. Ўнлаб ихтисослашган наشرлар ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ривожига хизмат қилаётган...

Шўро давлатида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар - суд, прокуратура, ички ишлар тизими қаттол ва бешафқат жазо қуроли, одамларга тазйиқ ўтказувчи, зўравонлик қилувчи восита бўлган бўлса, бугунги кунда моҳиятан ва энг аввало, фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи маҳкамага айланиб бормоқда.

Бу ислохот, бу туб ўзгаришларнинг тепасида турган ким?

Бунинг учун шу халқимизнинг ҳаёти бошқаларниқандан кам бўлмасин, мамлакатимизнинг мавқеи юксак даражаларга кўтарилсин, адолатли демократик жамият, буюк келажак асосларини, мезонларини яратайлик, деб кечани кеча, кундузни кундуз демай, умри жонини аямай фаолият кўрсатаётган миллатпарвар ким?

Ўтган етти ярим йил ичида қанчадан-қанча ўзгаришлар рўй берди. Бу ишлар тоғдай юксалиб, кўзга яққол ташланиб турибди. Хўш, сохта обрў орттириш учун эҳтиросларни жунбушга келтириб, воизлик қилган, дунёга жар солиб, ўзларини “демократ” ниқобида кўрсатмоқчи бўлганлар бугун қаерларда ватангадо бўлиб юришибди? Улар инкор этиб аюҳаннос солган муаммоларнинг қайси бири бугун ҳал этилмади? Уларнинг қўлида яна қандай қурол қолди?

Тақир ерда чанг чиқарадиган бу “биродар”ларимизнинг шундай кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш учун ақли, фаросати, салоҳияти етармиди? Вазъонлик, бақирши-чақирши осон, аммо амалий иш қилиш ҳаммининг ҳам қўлидан келармайдими.

Буни етти ярим йил давомида кечирган ҳаётимиз, бошимиздан ўтган не-не синовлар, аччиқ-чучуқларнинг ўзи исботлаб

кирмоқчимизми? Шариатга кўра худонинг барҳақлигига мункир келган, куфрона ишларни қилиб юрган киши, кофир саналмайди. Мантиқан фикрланса, худонинг буюрганларини бажармаган киши унинг олдига осий ва жофлийдир. Ахир, мусулмон кишининг мусулмон биродари қони бегуноҳ тўкилишига бош қўйиши гуноҳи кабира эмасми? Кенгроқ маънода айтганда, халқнинг хоҳиш-иродасига зид омад қилган кимсанинг динсиздан нима фарқи бор?

Шу ўринда беихтиёр ўтган йили баҳорда “муҳолиф”лардан бирининг “Озодлик” радиоси орқали айтган: муҳолиф бўлган кимсалар экстремистик кучлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилмоқда, дея айтган фикри хаёлдан ўтади.

Муҳаммад Солиҳ чет элга қочиб кетиши арафасида курулланган ҳақида гапирса, кўпчилик “демократ” пўписа қилапти, деб ўйлаган эди. Таассуфки, акси бўлиб чиқди, унинг бузғунчилик фаолияти кучайса кучайдики, камаймади. Қашқадарёдан йигирмага яқин йигитни гўё ўқитиш мақсадида хорижга чақириб олди. Бу соддадил йигитларни тузоққа илинтиргач, қонли тўқнашувларга тайёрлашгани, сизларни тижоратчи қиламан деб, айримларини Чеченистонга - биродари Яндарбиев ихтиёрига юборгани, йигитлар қонли урушларда иштирок этиб, хунрезликнинг ичида дийдаси қотгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу сир очилгач, макрга учиб, алданган йигитлар, уларнинг ота-онаси, қариндош-уруғи қанчалар пұшаймон бўлишгани кўпчиликка маълум.

Халқимизда кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган гап бор. Лекин Солиҳдай кўрнамаклар бу ҳикматнинг маънисига ета олармиди?

Мана, энг охириги маълумотлар: Росси-

**ФЕВРАЛЬ  
ВОҚЕАЛАРИ**

Ота бобомизнинг: "Ўзбекнинг қитиқ-патиға тегма!" - деган гапи бор. Ватангадолар, сохта "демократ" ҳокимиятпарастлар, кўпоровчилар, ғаламислар, гаразгўйлар билиб куйишсин: Биз ватанимизни ҳимоя қилишга тайёр-

## ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ

миз. Президентимиз: "Ёшларни ҳеч кимга бермаймиз!" - дедилар. Биз ҳам Ватанимизни ҳеч кимга бермаймиз.

Кўшнилариимизникида уруш оловини ёқиб, четда ўзлари томошабин бўлиб келаётган, Ўзбекистоннинг бошига ҳам ана шундай қора кунлар солишни ният қилганлар хато қиладилар. Биз уларга ўхшаган ватангадо эмасмиз. Боримиз ҳам йўғимиз ҳам Ўзбекистон билан.

Мустақил бўлиб эрк нималигини тушуниб етдик. Етти йил олдинги дунёқарашларимиз бутунлай ўзгарди. Энди ҳечам бировни ёлгон ногорасига уйнамаймиз. Кимки бизга душманлик билан қараётган экан, у билан курашишга тайёрмиз. Бунга шўқрики иродамиз ҳам, кучимиз ҳам етади.

**Сафоқул Жўраев,**  
ички ишлар  
подполковниги,  
Қизилтепа тумани

## ЎЗ ЙЎЛИМИЗ БОР

"Халқ сўзи" газетасида босилган "Февраль воқеалари" сарлавҳали мақолани тенгдош дўстларим билан синчиклаб ўқиб чиқдим. Менинг назаримда хорижда ин қуриб олган ақидапарастлар Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан дадил ҳаракатини, унинг халқи сеvimли Йўлбошчиси атрофида жипслашиб, у билан ҳамнафас бўлиб яшаётганини, ўз ёрқин келажagini ўзи қураётганини кўра олмаётир. Шу боис, айрим калпа ўйлайдиган, эртанги кундан умиди бўлмаган ёшларни йўлдан уриб, Мустақиллигимизга раҳна солишга уринишди. Хайриятки Президентимиз омон қолди. Аммо беғуноҳ одамларнинг ёстиги бевақт қуриди. Шуниси жуда ачинарли.

Биз ёшлар чет элда юриб, бизга йўл кўрсатмоқчи, ақл ўргатмоқчи бўлган "доҳий"ларнинг қора ниятларини қоралаймиз.

Биз Президентимиз белгилаб берган йўлдан асло чекинмаймиз!

**Сухроб Ниёзов,**  
Тошкент давлат Шарқшунослик  
институтини талабаси

"Февраль воқеалари" мақоласи қалбимни ларзага солиб юборди. Кечагина ўз ораимизда тузимизни еб юрган нокас сохта демократлар нақадар паст эканки, инсон қалби билан уйнаша-

уша амалпарастлар ўз юзи қоралигини сезмаса, халқимиз олдида гуноҳқорлигини ҳис этмаса?!

Йўқ, ундай булиши мумкин эмас! Севимли шоиримиз Абдулла Орипов бекорга «Инсон

## ИНСОН ҚАЛБИ МУҚАДДАС

ди?! Ҳа, агар улар инсон қадр-қимматини озгина бўлсин тушунганда, қалбида ўз юртига, халқига нисбатан заррача эзгу тилаги бўлганида, бундай ишга қўли бормас эди.

Инсон ҳаётининг мазмуни нима билан улчанади? Наҳот турли кирдикорликлар, фитналар, хиёнатлар билан яшаб ўтаётган одам ўзини мазмунли умр кечиряпман деб ўйласа? Наҳот

қалби билан ҳазиллашманг сиз!» деб айтмаган! Нафақат бир инсон, балки бутун халқ қалби билан уйнашган нокаслар эл олдида ҳам, Парвардигор олдида ҳам икки дунё оғир гуноҳқордир. Бу каби синовларни бошдан кўп кечирган халқимиз бундай нокаслар ҳақида ўз тўғри хулосасига эга. Биз учун энг муҳими шу!

**Илхом Ҳафизов,**  
Оқдарё тумани

## ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПАДИ

"Халқ сўзи" газетасида эълон қилинган "Февраль воқеалари" мақоласи халқимиз, биз ёшларга ҳам тўғри мулоҳаза юритишимиз учун ҳужжат бўлди десам, янглишмайман.

Ҳақиқатдан ҳам, инсон қадр-қиммати, ўзининг яшашдан мақсадини билмай, сохта обрў топиш йўлида айрим нокас кимсаларнинг қилаётган ҳаракатлари кишининг газабини келтиради. Бироқ энг муҳими, халқимиз онгида бундай сафсатабозлар қилғиликлари ҳақида ўз тўғри хуло-

саси мавжуд. Бу демак, турли ақидапараст гуруҳлар билан оғиз-бурун ўпишиб юрган, хом хаёлларда ҳокимиятга даъвогар бўлган кимсалар ҳеч қачон ўз мақсадларига эриша олмайдилар. Биз бу йўлда Йўлбошчимиз билан елкамаелка, бир сафда туриб уларга қарши курашамиз, керак бўлса Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ҳеч нарсани аямаймиз.

Ахир нега четдан туриб халқнинг қалбига ваҳима солмоқ, турли сохта ваъдалар билан обрў қозонмоқ

истаган нокасларни ер ютмайди?! Уларнинг бутун халқ олдидаги гуноҳи шубҳасиз ўз жазосини топажак ва бу иш Президентимизнинг одил, демократик жамият қуриш сари юргизаётган сиёсатлари келажаги буюклиги яна бир бор исбот бўлажак.

**Чори БЕГИМҚУЛОВ,**  
Республика  
"Камолот" жамғармаси  
Тошкент Аграр  
университети  
бўлими раиси

**ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ**



"Февраль воқеалари" мақоласида пойтахтимизда бўлиб ўтган нохуш ҳаракатларга хориждан раҳбарлик қилган, ўзини "халқнинг паноҳи", деб билувчи, ҳаммамизга ўзининг бир қатор пасткашликлари билан маълум бўлганлар тургани очик-ойдин ёзилди. Хуш, улар бу ҳаракатларни бошлаб, шу даражага етказишларида кимларга таянди ва нималарни қурол қилиб олди? Мақолада унинг ҳақиқий башараси, нопок ниятлари очиб берилди.

Маълумки, аввалига улар халқнинг шуро даври тузумига бўлган норозиликларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган. Қолаверса, мустабид тузум даврида топталган миллий қадриятларимиз, динимиз ва тилимизни тиклаш муаммолари

руқач қилиб, ўзларини миллат учун жонфидолар каби курсатишга уринишди. Аслида эса улар юртдошларимиз ўртасига нифоқ солишга ҳаракат қилишди. Улар миллатга ҳеч бир наф келтирмади.

Бундай кимсалар уша пайтда миллатпарварман деганлар, бугун халқнинг бир кори-

га ярамоқда-ми?

Аксинча, уларнинг иши фақат четдан туриб ўзбек миллатига тош отиш

ҳамда ўзларининг ҳаракатлари билан дунё миқёсида миллатимиз обрўсига путур етказишдан иборат бўлмоқда.

Қабиҳ кучларнинг ёвуз ниятлари, бошимизда Яратганимиз ҳамда тинчликсевар Юртбошимиз бор экан, ҳеч қачон амалга ошмайди!

**Х. РЎЗИЕВ,**  
ТошДУ талабаси

## ТАЛАБАСА

## ХОИННИ ХАЛҚ СУЙМАС

Тошкентда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатлари нафақат пойтахтликларни, балки бутун халқимизни ҳам оғир мусибатга қолдирди. Чунки жабр кўрганлар миллатдошларимиз, қондошларимиз, ватандошларимиз эди.

Нега бундай хунук воқеа айнан кўпчилик ҳавас қилаётган, тинч-тотув мамлакатимизда содир этилди. Юртдошлари ўз Йўлбошчимиз деб атаган Президентга суиқасд уюштирилди? Мустақиллигимиз йилларида кўчаларга кўрк бағишлаган иморатларимизни қора қуюнга айлантирмоқчи бўлишди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу ишлар ғанимларимизнинг иши. Яхши кунларимизни кўролмаётган ўз сотқинларимизнинг қилмиши.

Ўзининг онкўрларча қилаётган ишларини яшириб "мен миллатпарварман" деяётганларнинг асл башарасини кўрдик. Уларга Ватан эмас, балки мансаб, шон-шўҳрат керак. Шундай бўлмаганида улар ўз жигарининг қўлига қурол тутқазмас эди.

Бундай кимсаларни на Ватан, на халқ кечиради. Ўз юртида барака топмаганлар эса ўзга жойда ҳам хор, сарсонликда қолади.

**Рустам Қиличев,**  
Пахтачи тумани, Пўлатчи қишлоғи

Дў

яра-тилган-дан буён ҳеч бир зот ҳали адолатсизлик билан, террорчилик ҳаракатлари билан халқ иродасини синдира олмаган. Ўзга юртларда ўз юртига тош отаётган, ўзини даҳо деб санаётганлар, Тошкентда кўпоровчилик ҳаракатларининг режаларини тузишибди, бу ишга юртфуруш айрим ёшларни ёллашибди, аммо халқ тулқинини бошқа йўлга буриб юборишга қурблари етмаслигини унутибди. Ахир бизнинг миллат нафақат хиёнатни, хиёнаткорларни ҳам ҳеч қачон кечирмаган-ку.

## ХУДО СУЙГАНИНИ ЁРЛАҚАЙДИ

Бу ёвуз ҳаракатлар бугунги кунимизни кура олмаслик ва янги қадам билан бошлаётган ишларимизга тусқинлик қилишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Куролмаган зотларга айтар гапимиз шу: ўз Ватанимизни, она-тупроғимизни ва доно халқимизни чеқсиз севамиз.

Ўзбекистондаги миллион-миллион ёшларни ўз фарзандларим деб билган Президентимизга угил-қизлар ўз оталарига қандай қанот бўлса, биз ҳам шундай паноҳ ва қанотимиз. Ўз уйида қадр топган отага эса ҳеч қандай ёвуз кучлар, ёвуз нигоҳлар раҳна сололмайди.

**Соғлиқни сақлаш  
вазирлигига  
қарашли Республика  
Чилонзор тиббиёт  
билим юрти талабалари**

## ЁМОН ЖАФО ТОПАР

Ўзбек миллатига мансуб йигитларнинг қуролланган ҳолатда Чеченистон-Догистон чегарасини ноқонуний равишда кесиб ўтаётганида тугилганини ўқиб бир қалқиб тушдим. Наҳотки, деворларимиз кўшнисиникига ҳам берухсат қадам босмайдиган миллатимизнинг болалари шу аҳволга келган бўлса?!

Шуролар даврида ўтган ёшлитимни эсласам, хурлитим келади. Не кунларни кўрмаган эдик. Ушанда оталаримиз "яхши кунлар келадилар", деб бизни юпатишарди. Ишондик. Мана йиллар ўтиб уша кунларга келдик. Бугун давлат бошлитимиз ёшлар учун ҳеч бир даврда бўлмаган оталарча меҳрибонликлар қияптилар. Болаларимизга ишонаман, улар онкўр эмас. Балки ўзининг тинчлигини ўйлаб қочанлар, ўтиш даврининг қийинчиликларига дош беролмаганлар, ўзгаларга сотилганлар йўлдан уринишди.

Бировнинг қўли билан номарларча, ҳали яхши-ёмоннинг фарқи бормайдиган болалар қўли билан қотиллик қилиб, давлат тепасига келишмоқчи бўлишди. Ана шундайларга лаънатлар бўлсин. Кимки яхшилик қилса вафо топади, ёмонлик қилса жафо. Сайъ-ҳаракати, шижоати тўғайли яна ўзбекни, ўзбек элини дунёга таниган Президентимиз И.Каримов. Парвардигор ҳаминша ёр бўлсин!

**Анвархон Аҳмад қори  
Ўғли, олий тоифали  
муаллим,  
Эркин Умаржонов,  
халқ маорифи аълочиси,  
уруш қатнашчиси**

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

**Гуржиларга тақдим  
этилган қўл**

Жалолиддинга Гуржистон ўлкасини истило қилиши учун кенг дарвоза очилган эди. Гарнисдаги ғалаба келгуси зафарлар калити вазифасини ўтарди. Аммо Жалолиддин гуржилар билан қон-қариндош ва иттифоқчи дўст бўлишни истайди. Шунга ҳаракат қилди.

Султон Жалолиддин асир олган гуржи зодагонларига ўз мақсадини тушунтирди. Гуржистон билан барча масалани тинч ҳал қилиб мустақкам иттифоқ тузишни асосий мақсад деб билди. Жалолиддин амир сипоҳсолар Иване Мхаргдзелининг ўғли Аваннага шундай тақлиф билан мурожаат этди:

-- Мен Гуржистонга талончилик қилгани келмадим. Балки тинчлик олиб келдим. Лекин, сизлар менга қарши қуролланиб олдингиз ва тинчлик бузилди. Энди гуржи подшоҳининг энг йирик вазирларидан бири сифатида гапимга қулоқ сол. Сен менинг уруғим ҳақида, давлатим ҳақида эшитганмисан?

Мен буюк ҳоким Хоразмшоҳнинг ўғлиман, лекин омад Хоразмшоҳларнинг саройидан юз ўғирди ва мен ҳамма ерда Чингизхондан енгилдим. Унинг мендан кучли эканлигини ва ўзимнинг кучсизлигимни кўрганимдан кейин давлатни ташлаб, Гуржистонга йўл олдим. Мен сизнинг мамлакатингизнинг кучи, қудрати ва гуржиларнинг жасорати ҳақида эшитганман. Ҳозир эса мен сизлар билан бирлашиб душманга қарши чиқишимизни истардим. Сизнинг подшоҳингиз аёл. Мени унга уйлантиринг ва ўзингизга подшоҳ қилинг. Ва биз биргаликда душманларимизни енгимиз. Агар сиз бундай қилмасангиз, сизнинг давлатингиз яқсон этилади, мабодо мен кетсам ҳам барибир татарлар келиб туришибди.

Гуржи князи бу тақлифни Малика Русудананага етказишга рози бўлади. Жалолиддин Маликанинг биринчи эри Арзум султони Тўғрулшоҳнинг ўғли бўлиб, маликадан ажрашганда қизи Тамара ва ўғли Давид онаси билан қолган. Агар у рози бўлса Гуржистон лашкарлари мўғулларга қарши курашда катта куч бўлади. Хоразм ва Гуржистон бирлашади. Чингизхоннинг куни битади.

**Туркон хотуннинг  
кибри**

Султон Жалолиддин ҳузурига паноҳ истаб келган хоразмлик амалдор, туркон хотуннинг собиқ мулозими Бадриддин Хилолни қабул қилди. Ундан буви-сининг тақдирини эшитди. Туркон хотун Мозандарондаги Илал қалъасига яшириниб жон сақламоқчи бўлади. Мўғуллар уни Чингизхон ҳузурига келтиришади. Туркон хотун қўлларига занжир солдиради. Худди итдек қаерга борса ўзи билан олиб юради. Бир куни қулай фурсат пойлаб Бадриддин Туркон хотунга шундай фикр беради:

-- Юр, Жалолиддин ҳузурига қочамиз. Ахир у ўғлингнинг ўғли ва қалбининг хазинаси. Унинг куч-қудрати, мамлакатининг кенглиги ҳақида бизга кўп хабарлар келаяпти.

Туркон хотун эса унга жавобан шундай жавоб қилади:

-- Ҳайхот, у кўзимдан йўқолсин! Мен қандай қилиб Ойчечак ўғлининг марҳаматига боғлиқ бўлиб, унинг ҳимоясида яшаш даражасига тушиб, паст кетаман. Менинг Чингизхонга асир тушиминг ҳозирдагидек таққирланишим ва шармандачилигим бундан афзалдир.

Жалолиддин маънос тортади. Ойчечак! Бечора муштипар, лекин фидокор онаси. У душман қўлига асир тушиб, хор бўлишдан ўлимни афзал кўрди. Гури ҳам, кафани ҳам тезоқар Синд дарёси бўлди. Жалолиддин бундан 4 йил муқаддам Чингизхон билан қилган жанги, Қуршав ва Синд дарёсини кўз олдига келтирди. Дарёга ташланган ва тез оқиб бораётган хотинларнинг кийимлари ҳавода оқариб кўринар, дам гойиб бўлар, уларнинг ўлим олдидаги қийқириқларини жанг шовқини босиб кетар эди.

Жалолиддиннинг кўзларида ғазаб ўти чақнади. Буви си қаерда-ю мард онаси қаерда? Туркон хотуннинг кибрини

қаранг! Отдан тушса ҳам эгардан тушмабди. Қачонлардир ўзини "Дунё ва унинг покдомони, улуг Туркон, олам аёлларининг маликаси" деб улуғлаган бу аёл ўз набираси олдига келишдан бош тортибди. Чингизхон гажиб олдига ташлайдиган суякларни Жалолиддин дастурхонидан афзал кўрибди. Хоразмшоҳ Муҳаммад жасадини қабридан чиқариб суякларини ўтда куйдирган мўғуллар юртида тиланчилик қилиб яшашни ўзига муносиб кўрибди. Кибр ҳам шунчалик бўладими? Во дариг!

**Маликанинг тақлифи**

Тбилисидан келган чопар Хоразмшоҳга Гуржистон маликаси Русудана жавобини келтирди. Малика агар Жалолиддин унинг динига ўтса, насронийликка чўқинса унга турмушга чиқишга рози эканлигини билдирибди. Маликанинг биринчи эри мусулмон бўлгани, лекин малика талаби билан насроний динига ўтганидан Хоразмшоҳ хабардор эди. Жалолиддин мусулмонлар султони ва ислом ҳомийси сифатида унинг тақлифини қабул қилмаслиги-

**Мўғуллар эътирофи**

Озарбайжон, Ширвон ва Гуржистон Хоразмшоҳнинг қўл остига ўтгач, 1227 йил сентябрида Исфаконда мўғуллар пайдо бўлди. Жалолиддин Тайнал нуён бошчилигидаги қўшин билан кескин жанг қилди, мўғуллар чекинишди. Тайнал нуён Чингизхон ҳузурига қайтиб, ҳукмдорига Хоразмшоҳ ҳақида шундай таъриф берди:

-- Ҳақиқатан ҳам у ўз даврининг баҳодир ва тенгдошларининг доийисидир. Мен унга бас келолмадим.

Чингизхон бемор ҳолда бу гапларни тинглади.

-- У ёш ва навқирон, - деди хўрсиниб, у ҳали кўп балоларни бошларингизга солади.

Мўғулларнинг улуг ҳоқони умри туғатганини яхши билар эди.

-- Ёшлик қандоқ яхши. Қўлда кишан, қул бўлсанг ҳам келажакнинг порлоқ эканини билсанг... Бу йигитда мен ўз ёшлигимни кўрмоқдаман. Ана, кўриняпти унинг оқ тулпори... Қулоқ осинг, менинг амримга... Хоразмшоҳга

**Ҳамдам СОДИҚОВ****Султон  
Жалолиддин  
Мангуберди**

ни малика ҳам, унинг мулозимлари ҳам яхши билишган. Улар мураса, тинчликни эмас, урушни афзал кўришибди. Орадан кўп ўтмай гуржилар қўшини ҳужумга ўтгани ҳақида хабар келди.

**Қардошлик****Тбилиси. 1226 йил.**

Гуржилар ҳужумини қайтаргандан сўнг Хоразмшоҳ Гуржистон пойтахти Тбилисига қўшин тортиди. Шаҳар мустақкам, мудофааи кучли эди. Жалолиддин уч минг сара аскар билан разведка тариқасида Тбилиси остонасига яқинлашди. Шунда бирдан шаҳар дарвозалари очилиб, ундан ўн мингдан ортиқ гуржи отлиқлари қуюндек отилиб чиқди. Хоразмшоҳ уларнинг қуршовига тушиб қолди. Жанг қизиб кетди.

Гуржилар рўпараларида Хоразмшоҳнинг шаҳсан ўзи жанг қилаётганини билишмас эди. Билганларида яна қўшимча куч билан чиқишлари ва Хоразмшоҳни ҳалокатга учратишлари муқаррар эди. Жангари гуржилар қуршовида Хоразмшоҳ бор кучи ва маҳоратини ишга солди. Қаттиқ жанглардан сўнг у жуда оз қолган аскар билан асосий кучлари жойлашган қароргоҳига етиб келди. Бу жанг жасур гуржилар кучи ва қудратини унга яққол кўрсатди. Жалолиддин шаҳарни эгаллаши мушкул экани равшан бўлганда ҳузурига Тбилиси мусулмон аҳолиси вакиллари келди. Улар Хоразмшоҳга ёрдам беришларини айтиб ҳужумга ундашди.

Хоразмшоҳ кучларининг бир қисмини шаҳарга юбориб, қолганини пистирмаларга қўйди. У мўғулларни чалғитиш усулларидан ҳам хабардор бўлгани учун шаҳар мудофаачиларидан кўп қисмини ташқарига чиқаришга муваффақ бўлди. Гуржилар атайлаб чекинаётган, усталик билан буни ниқоблаган хоразмликларни таъқиб қилишга берилиб кетишди. Хоразмшоҳ пистирмаларидаги аскарлар уларни қириб ташлади.

Шаҳар ичкарасидаги мусулмонлар эса кўзғолон кўтариб гуржиларга қарши жанг бошлашди. Уларнинг бир гуруҳи эса дарвозаларни эгаллашди. Тбилисига Хоразмшоҳ аскар бостириб кирди. Жуда кўп асирлар ва ўлжалар олинди. Пойтахтдаги малика Русудананинг мўъжизакор саройида Хоразмшоҳ билан қардош мусулмонлар ғалаба базмини ўтказишди. Магрур Тбилисида Хоразмшоҳ байроғи ҳилпиради.

тақлиф юборинг...

Жалолиддин -- Жўжихоннинг хотини бўлган сингиси Хонсултондан қизиқ бир мактуб олди.

-- Сенинг кучинг, қудратинг ва мулкларингнинг улканлиги ҳақидаги хабар ҳоқонга етди, шунинг учун у сен билан қариндош бўлишга қарор қилиб, мулкларингиз худудини Жайхун дарёси бўйича ўтказиш ҳақида келишиб олмоқчи... Агар сен уларга қарши туришга куч йиға олсанг, қасос ол. Улар билан жанг қил. Агар енгсанг хоҳлаганингча иш тутасан. Агар енголмасанг фурсатдан фойдаланиб, уларнинг истаги билан сулҳ туз!

**Хиёнат**

Хоразмшоҳнинг ўсиб бораётган мавқеи Бағдод халифасини ҳам, иттифоқчи қўшилари Миср, Дамашқ, Хирот ва Жазира ҳукмдорларини ҳам ташвишга сола бошлади. Ички фитналар ва хиёнатлар бошланди. Жалолиддиннинг укаси Гиёсиддин биринчи бўлиб хонлиқ йўлига ўтди. 30 минг қўшин билан акасини тарк этди. Гиёсиддин акасига ҳасади кўзгаб, ўзи ҳам мустақил давлат барпо этиш ва Жалолиддин каби шуҳрат қозонишни ўйлади. У ўзининг лашкарбошлик қобилиятига ортиқча баҳо берди. Гиёсиддин акаси киритган ғалабаларда ўзининг ҳам ҳиссаси қўшилганидан мағрурланади. Аммо Қирмон вилояти ҳокими Ҳожиб Бароқ билан жангга енгилиб асир олинди. Ҳожиб Бароқ мўғулларга Гиёсиддиннинг кесилган бошини қўшиб, шундай нома жўнатди:

-- Сизларнинг икки душманингиз: Жалолиддин ва Гиёсиддин эди. Улардан бирининг бошини сизларга туҳфа қиламан.

Мўғуллар бу воқеадан сўнг Жалолиддин давлати улар ўйлагандек кучли эмаслигини пайқаб, у билан сулҳ тузиш фикридан қайтишди. Озарбайжон ва Гуржистон сари талончилик юришларини бошлаб юборишди.

**Шоир қалби**

Гуржи шоири Турман Торели олти йилдан бери Хоразмшоҳ муншийси Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий маҳкамасида хизмат қилади. Вазифаси Гуржистон тарихини ёзиш ва мунший топшириқларини бажариш. У ўтган йиллар давомида содир бўлган воқеаларнинг жонли гувоҳи эди. Ан-Насавий уни қад-

рлайди ва хурмат қилади. Аммо княз Торели дилидагини у билмайди. Торели юртдошларининг тўкилган қонлари учун Султон Жалолиддиндан ўч олишни ўйлайди. Мана, бугун у мунший чодирни ёнидан Хоразмшоҳ ўтганига кўзи тушди. Султон гандираклаб чайқалди. Нима, у мастми? Торели эҳтиёткорлик билан Султон чодир томон ўтди. Қўйнидаги ханжарни маҳкам тутиб, ичкарига кирди. Жалолиддин чодир ичида турган кичик тобут олдида тиз чўкканча... йиғлар эди. Торели кеча унинг беш ёшли ўғли Душхон вафот этганини эшитган. Аммо унинг ҳозирги ҳолати қизиқ эди. У чайқалиб-чайқалиб йиғлар, пешонасига мушлар эди.

Жалолиддин тобутчада ётган мурданинг қўлларидан ўпа бошлади, жинглак сочлари, мангу уйқуга кетган кўзларини силаб йиғлар эди. У ўғли атрофида чўккалаб юрганча фарёд қилар эди.

Торелининг қўлларидан беихтиёр ханжар тушиб кетди. Ногаҳон товушдан Хоразмшоҳ ирғиб ўрнидан турди. Қўллари қиличга ёпишди. Кўзлари йўлбардек ёнди. Шу вақт ким кўринса ўлиши аниқ. Шоир кимнингдир қўллари уни ташқарига судраганини сезмай қолди. Ан-Насавий уни чодир тарафга итариб, ўзи Султон қароргоҳи томон қадам босди. Мунший шоир ниятини сезган бўлса ҳам уни кегириб муқаррар ўлимдан сақлаган эди.

Шоир узоқ вақт ўзига келолмади. У қудрат ва шуҳрат соҳиби номи тилларда достон бўлиб кетган Хоразмшоҳни оддий инсон сифатидаги сиймосини кўрган биринчи одам эди. Торели унга энди ҳеч қачон суиқасд қилолмастлигини шоир қалби ила чуқур ҳис этди.

**Қабоҳат қуршовида**

Жазира ҳокими ал-Малик ал-Ашрафнинг мактубини Хоразмшоҳ вазири Шараф ал-Мулк диққат билан ўқиди.

-- Ҳақиқатан ҳам сенинг Султонинг, - ёзган эди Жазира ҳокими, - Ислоннинг ва мусулмонларнинг Султони, уларнинг таянчи. Улар билан мўғуллар ўртасидаги тўсиқ ва девордир.

Олдий фуқародан Жалолиддин ҳиммати туфайли олий лавозимларга кўтарилган ва беҳисоб мол-дунё орттирган Шараф ал-Мулк бу сўзларининг чин ҳақиқат эканлигига имони комил. У Жалолиддин билан ўн йилдан бери сафдош. Унинг зафарлари, мағлубиятлари, қувончу-уқубатларининг бариға гувоҳ.

Вазир ўз ҳукмдорини жуда яхши билади. Унинг кучли ва заиф томонлари ҳам унга аён. Жалолиддин бир буюк мақсад билан яшайди. Она юртини мўғуллардан озод этиб, оқ тулпори билан Урганча кириб боришни куну-тун орзу қилади. Чингизхон билан яккама-якка жангга тушишни ўйлайди. Отаси, укалари ва барча шаҳид юртдошлари учун ўч олишни истади. Эсида, Чингизхоннинг ўлгани ҳақида хабар келганда Жалолиддин жуда афсусланиб, қўллари билан пешонасига муштлади. Юрагидан хитоб қилди:

-- Чингизхон билан қилич уриштиришни умрим мазмуни деб билардим. Нега у ули кетди? Энди ҳаётим мазмуни йўқолди. Катта рақибим йўқ энди...

Шундай дея Жалолиддин узоқ вақт хомуш юрди. Аммо давлат юмушлари, ҳарбий можаролар уни чалғитди. Озарбайжон, Ширвон ва Гуржистонни бирлаштирган Хоразмшоҳ давлатининг ички ва ташқи душманлари тобора кўпайиб борарди. Озарбайжоннинг собиқ ҳукмдори Ўзбекнинг лашкарбошиси Изиддин Балбон кўзғолон кўтарди. Малика Русудана тарафдорларининг қўшини Тифлисга ҳужум қилди. Хилот ҳокими ҳам уларга қўшилди. Жалолиддин уларни тормор этди. Аммо Хилот қалъасини эгаллаб олмади.

Хоразмшоҳнинг ҳар бир жанги, ҳар бир ҳаракатини атрофдаги қўшни ҳукмдорлар, айниқса мўғуллар диққат билан кузатишмоқда. Агар у жиддий мағлубиятга учраса, ҳаммаси унга қуюндек ёпирилади. Вазир ҳозирда Хоразмшоҳ атрофида таҳликали вазият вужудга келаяётганини яхши пайқайди.

(Давоми бор) БЭД НЕМПР

## ЯНА КЕЛАРМИ ИШҚ...



Уланлар етмаган диллар  
вайрона,  
Йўлингда интизор кутмоқда  
ёшлик.

Умр сўқмоғида оқаради соч,  
Елғизликнинг узун кечаларида.  
Оромин йўқотган дайди руҳ  
кезар,  
Умиднинг минг битта  
кўчаларида.

Яна келарми ИШҚ?

Соғинчнинг кўзлари кутиб  
толиқди,  
Ёнимдан жимгина ўтаяпти вақт.  
Остонада секин мўралади куз,  
Бироқ сен келмадинг  
куздан вақтлуроқ.

Тумтаяди ҳорғин сукунат  
Ижирганиб гичирлар эшик  
Токчада сарғайиб маънос тикилар,  
Ҳижроннинг гуллари бошлари эгик.

Бир тоза руҳ йўқдир, озроқ соф ҳаво,  
Мадакдор нигоҳ деб толди кўзларим.  
Титрайди юрак, бужмаяр кўнгил,  
Хўрсиниб-хўрсиниб йиғлар сўзларим.

Яна келарми ишқ, келарми қайтиб,  
Баҳор келганида узурин айтиб.  
Кўнгил гулшаплари хазон бўлди-ку!

Ҳижроннинг сояси юзимга тушди,  
Кузги шабнамчалар кўзимга тушди.  
Кимдир бахтим излаб изимга тушди,  
Бироқ сен келмадинг  
ундан вақтлуроқ.

Бугун армон либос кияди қирлар,  
Дарахтлар кутишдан сарғайди тамом.  
Йўлнинг ўртасида сариқ кўйлақда,  
Турибман. Келмадинг, келмадинг ҳамон.

Сўнгсиз азоблардан жонимга етгум,  
Кутиш кўчасидан мангуга кетгум.  
Ниҳоят соғинчнинг бахридан ўтдим,  
Нега сен келмадинг ундан вақтлуроқ?

Жамила ТОЖИЕВА

## ҚУЧОҒИНИҒДА БОҚИЙ БИР ТИЛАСИМ

Сиз мени ҳаётга боғлаб турганим,  
Умрим китобида битилмиш ғоя.  
Бу ёлғон дунёда рост деб билганим,  
Муқаддас, мукаррам, мунгли ривон.

Оташли йўлларда қўлимдан тутиб,  
Яшашга ундаган умидбахш илинж.  
Ҳар икки оламга бўлмас алишиб,  
Яримгина бахту яримта севинч.

Тангрига юзма-юз ибодат чоғи,  
Қилганим нолалар, оху-зоримсиз.  
Кўнглининг хазонрез билмаган боғи,  
Мангуда ям-яшил навбахоримсиз.

Мен келдим,  
Журъатнинг қўлидан тутиб,  
Тиллатоғ яратди минг йиллик сабрим.  
Ўзга дунёларнинг борин унутиб,  
Эшигини оч энди сим-сим.  
Менга аён офтоб мисоли,  
Қучоғингда боқий бир тиласим.  
Келганимда араздан ҳоли,  
Эшигини очақол сим-сим.  
Бекасман сирли саройнинг,  
Муҳаббатинг бошимда гултож,

Менман келар, бош урар жойинг,  
Сим-сим, сим-сим эшигини оч!

Ҳаёт гўзал эҳсондир, сен муродим муҳаббат,  
Дину диёнатимсан, эътиқодим муҳаббат.

Кўзим қарочигида жон сақлагич армоним,  
Мендан сира айрилмас ўйим, ёдим муҳаббат.

Мен кечалар тинмасдан тиловатлар айладим,  
Яратганга етмаган оху додим муҳаббат.

Йўлларинг боғу бўстон, манзилларинг  
чамандир,  
Мўъжазгина қувончим - сен баётим муҳаббат.

Бевафодир бу умр, жабри ситам шиори,  
Сўнги дамда умидим, ҳам нажотим муҳаббат.

Муҳаббатсиз умрни умр деманг, саробдир,  
Хайёлларим ўзингсан, чин ҳаётим муҳаббат.

Келиб фасли хазоним, жон қуши этса парвоз,  
Йиғлаб нолалар қилгин - муножотим муҳаббат.

ДУРПОШШО

## БАҲОР ҒАНИМАТДИР...

Тиламадим мол-у давлат  
Ва ё бир ҳамхона, ҳамдард,  
Тилаганим Сенсан, фақат  
Келгил, эй Ишқ!

Ардоғлаб, сиз-сизлаганим,  
Эртақлардан излаганим,  
Тополмасдан бўзлаганим,  
Сенсан, эй Ишқ!

Мана юрак, чекар фарёд  
Хоҳ ўлдир, хоҳ бер ҳаёт.  
Дилим вайрон қил, ё обод,  
На қилсанг қил,  
Ўзинг, эй Ишқ!



## ЯШАБ ҚОЛ, ЁНИБ

Яшил боғларингга етмасдан хазон,  
Шамоллар баргингни айламай тўзон.  
Сен хоҳла-хоҳлама, келгай кетар он,  
Яшаб қол, ёниб.

Сен-ла, кетолмайди қошлари пилик,  
Ҳар не ўтар, ўтар ҳар не кўргилик.  
Қолар бўлса, фақат қолгай яхшилик,  
Яшаб қол, ёниб.

Қулочингга сиғсин, дунёни қучсанг,  
Қанотинг осмонни энласин, учсанг.  
Табиат ўзи ҳам бўлсин ҳангу манг,  
Яшаб қол, ёниб.

Баҳор ғаниматдир, барг ёзгин яйраб,  
Кўнгил ул кўнгилдан сув ичиб, яйраб.  
Эзгу истак будир, бу эзгу талаб,  
Яшаб қол ёниб.

Малика ҚОДИРОВА,  
Андижон

## ҚАЙТМАС СИРА БУ ШИРИН ОНЛАР

Соғинаман, сенинг  
ширин сўзларингни,  
Икки оташ ўтдек ёнган  
кўллларингни.  
Эркаловчи нигоҳингни,  
кўзларингни,  
Юр кетамиз йироқларга,  
йироқларга.

Топгаймисан, яна мендек  
девонани,  
Сенга асир, ҳар сўзингга  
гирёнани.  
Етар энди  
тўлдирмагин  
паймонани,  
Юр кетамиз  
йироқларга,  
йироқларга.



Эрта не келтирар, биледи Аллоҳ,  
Сўнгра пушаймондан топамиз  
паноҳ.

Сўзимга ҳаётнинг ўзидир гувоҳ,  
Юр кетамиз йироқларга, йироқларга.

Мудом бир оташда ёна олмас  
қалблар,

Сўнар эҳтирослар, сўнар оловлар.  
Ғаниматдир инон бу ширин онлар,  
Юр кетамиз йироқларга, йироқларга.


У шўх эди, беғубор эди,  
Боқар эди дунёга кулиб.  
Олам, одам ҳаммаси унга,  
Туюларди беғубор бўлиб.

Сўнг билмадим, қайларга уни

Ташлаб кетди беғубор ҳислар.  
Кетган йўлин айтмайин ҳатто,  
Алдаб кетди шўхчан кулгулар.

Йиғламангиз, қалбим торлари,  
Ҳали яна баҳор келади.  
Балки баҳор кетган дўстларни,  
Ўзи билан олиб келади.  
Яшнаб очилганда баҳор гуллари,  
Балки эски дардлар унут бўлади.  
Орзулар, умидлар, истаклар бари,  
Балки баҳор билан қайтиб келади.

Азиза НЕЪМАТОВА



**Б Е Р Л И Н.** Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер барча давлатларни пиёдаларга қарши қўлланиладиган миналарни таъқиқлаш тўғрисидаги Оттавада имзолаган конвенцияга қўшилишга даъват этди. Бу ҳужжат ижросини тўла таъминлаш асосий мақсадимиздир, деди у.

Канада пойтахти Оттавада қабул қилинган мазкур ҳужжат пиёдаларга қарши қўлланиладиган барча турдаги миналарни ишлаб чиқариш, сақлаш, қўллаш ва тарқатишни бутунлай таъқиқлашга қаратилган. 1997 йилнинг декабридан буён уни 133 давлат имзолаган бўлса, шулардан 65 таси бу конвенцияни ратификация ҳам қилган.

Х Х Х

**Т Е Л - А В И В.** «Ҳизбиоллоҳ» ташкилоти жангариларининг яшанба кунги ҳужуми оқибатида Исроилнинг тўрт нафар ҳарбий хизматчиси, жумладан, генерал Эрез Герштейн ҳалок бўлди. Бунга жавобан Исроил армияси жавоб операциясини амалга оширишга киришди. Хабарларга қараганда, Исроил авиацияси Ливаннинг Бекаа водийсидаги «Ҳизбиоллоҳ» позицияларига зарба берган.

Мамлакат қуроли кучлари бош штаби бошлиғи Шаул Мофазнинг айтишича, ҳужум ҳаракатлари ҳар томонлама - ердан, ҳаводан ва денгиздан туриб давом эттирилади.

Х Х Х

**С И Д Н Е Й.** Австралия ва Португалия ҳукуматлари Шарқий Тиморнинг мустақилликка эришуви борасидаги қарашларда яқдилликка эришди. Хабарларга қараганда, Австралия ташқи ишлар вазири Александер Даунер португалиялик ҳамкасби Жайми Гама билан бўлиб ўтган музокараларда Шарқий Тимор Индонезиядан ажралиб чиққан



тақдирда унга биргаликда молиявий ва маъмурий кўмак бериш ҳақида келишувга эришган.

Шарқий Тимор муаммосини ҳал қилиш борасида қарашларнинг тўғри келмагани оқибатида 1992 йилда Австралия ҳукумати ўзининг Лиссабондаги элчихонасини ёпиб қўйган эди. Бироқ бугунги кунга келиб икки томонлама муносабатларнинг анча илиқлашгани боис Австралия ҳукумати Португалия билан Шарқий Тимор муаммосини ечиш борасидаги хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун Лиссабонга юқори мартабали дипломатини юборишни режалаштирган.

Х Х Х

**Т А Й Б Э Й.** Тайван ҳукумати АҚШдан «Ижис» автоматлаштирилган зенит-ракета мажмуаси билан жиҳозланган тўртта ҳарбий кема сотиб олишга ҳаракат қилмоқда, деб хабар қилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Бироқ АҚШ маъмурияти Тайваннинг бу ҳақдаги сўровига ҳали аниқ жавоб бергани

йўқ. Агар келишув амалга ошса, ҳар бирининг қиймати 800 миллион доллар турадиган бу кемалар тахминан 2006-2008 йилларда Тайванга етказиб берилади.

АҚШ маъмурияти Хитойнинг кескин қаршилигига қарамасдан Тайванга қурул-яроғ, жумладан, «Ф-16» самолётлари ва «Пэтриот» зенит-ракета тизимини етказиб бермоқда.

Х Х Х

**М А Н И Л А.** Филиппин ҳукумати ва Морони озод қилиш ислом fronti айирмачилари ўртасидаги тинчлик ўрнатиш бўйича музокаралар тахминан май ойида бўлиб ўтади. Филиппин ҳукуматининг айирмачилар билан музокаралардаги вакили генерал Орландо Сорiano шундай деди. Унинг сўзларига қараганда, томонлар шу ойнинг охирида яна бир марта маслаҳат учрашувини ўтказишга келишиб олган. Унда бўлажак музокараларнинг якуний кун тартиби ишлаб чиқилади, деди у.

Х Х Х

**Қ О Б У Л.** «Толибон» ҳаракати раҳбарияти БМТ ходимларининг Афғонистондаги фаолияти давомида уларнинг хавфсизлигини таъминлашга кафолат берди. Толиблар раҳбари Мулла Муҳаммад Умар бир кунлик ташриф билан Қобулга келган БМТнинг Афғонистон бўйича махсус вакили Лаҳдар Браҳимини шунга ишонтирди. Унинг буйруғига биноан БМТ ходимлари хавфсизлигини таъминлаш учун махсус отрядлар тузишга киришилди.

Хабарларга қараганда, «Толибон» ҳаракати раҳбарлари толибларга қарши иттифоқ вакиллари билан ўт очишни тўхтатиш ва ҳарбий асирларни алмаштириш борасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишга тайёрлигини маълум қилган.

/ЎзА/

**(Давоми. Аввали ўтган сонларда)**

У ёқда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш қонун йўли билан этилгани ва Кутбидинга ўхшашлар ахён-ахёнда озмоздан хуфёна нўш этиб туриши, бу ерда ҳозир ўзини анча «қўйиб юборгани» учун меҳмоннинг бошқалардан кўра кайфи баландроқ эди.

Мумтознинг ҳам энди кайфи анча баланд эди. Эркалар турли хил мавзудаги кизгин гап-сўз ҳамда баҳслардан, шёрхонликдан чарчаб, энди ашула тинглашни истаб қолишди. Бироқ Алим ака магнитофон келтириб қўйиб берган ўзбекча ашулалар меҳмоннинг кўнглига унчалик ўтирмагани сезилгач, Мумтоз кўлига тор олиб, уч-тўртта тожикча ва битта қозоқча қўшиқ айтиб берди. Мумтознинг ҳофизлик хунаридан беҳабар меҳмонлар бундан лол қолиб, унга ҳамду санолар билдиришди.

-- Худойдод одам экансиз, бунчалар ёқимли овозни умримда биринчи бор эшитишим! - деди Кутбидин ҳаяжон билан. Кейин бироз паришон ҳолда ўтирган Тахминага юзланди: - Бу инчунинг сизнинг ҳам бахтингиз, Тахмина хоним! Тахмина унга ясама табассум билан «маъқул» маъносида бош қимирлатиб қўйди. Шундан кейин кутилмаганда Мумтоз кўпдан бери тор давраларда қўйлаб келувчи «Тахмина» номли ашуласини бошлаб юборди:

**Тахмина, Тахмина, жону дилимсан, Мухаббат боғида танҳо гулимсан...**  
Мумтознинг ашуласидаги «Тахмина» сўзлари ўрнида бундан йигирма йилларча бурун «Хуршида» исми бўлганлиги ҳозир уни ўз хужрасида эшитиб турган Сурайёгагина маълум эди холос...

Бир вақт Мумтоз қандайдир бир фикрга бориб, «Меҳмонлар энди дам олишсин, биз домга қайтамиз» деб қолди.

Тахмина яна Акмални кўриш мақсадида, Мумтозга «Биз Сурайё холадан бирров ҳол сўраб, жўнашга тайёр бўлиб турамыз» деган баҳонани қилиб. Сожида билан биргаликда ўрниларидан кўзгаллишди.

Аёллардан холи қолишгач, Мумтоз Кутбидинга оҳиста деди:

-- Бассейн хонага стол тузаб қўйилган. Алим бизни ташлаб, қайтиб келади.

Кутбидин ҳам, Давлатберди ҳам уни аввалига тушунишолмади. Мумтоз энди фикрини очиқ-равшанроқ маълум қилди:

-- Агар маъқул топсаларинг, иккита соҳибжамол жўнатаман.

Бу тақлифдан ширакайф меҳмонларнинг юзлари ёришиб кетди.

Шундан кейин Мумтоз пешайвон стулига илиглик телефондан қаргадир

қўнғироқ қилди.

-- Сенмисан, Чаман? Танимадингми? Ҳе, ўзимман. Бирор соатлар ичида Алим боради. Иккита кассета жўнат янгириғидан бўлсин, унчалик сийлмаганидан...

... Эртасига Мумтоз Оқсаройга тонг гира-ширасидаёқ етиб келди. Чаман жўнатган қизларни бу ердан маҳалла-кўй гимирламай туриб гўмдон қилиш лозим эди.

Мумтоз Сурайёнинг ёпиқ турган эшигига хўмайиб боқиб қўйди-да, Алимга «Йўқот анавиларни!» деди. Кейин меҳмонхона томон қадам ташловдики, ичкарида уларни кечаси олиб келган «Мерседес»ни кўришиб, аллақачон бу ердан куён бўлишга тайёр бўлиб турган иккита қиз бирин-кетин чиқиб қолишди. Чиқиб келишаркан, уларга нигоҳи тушган Мумтоз даҳшат ичида қотиб қолди. Қаршисида... ичкилик ва уйқусизликдан, ишратдан қовоқлари шишиб, кўзлари қизарган, юзлари ҳали очилмай туриб сўнган гунчадек афтодаҳол қизи Гуландом турарди...

**Саккизинчи боб**

Тахминанинг уй - х а ё л и Оқсаройда эди. Телефон қилса, қўнғироққа ҳеч ким жавоб бермади. На Сурайё, на Акмал. Мумтоз қаллаи сахарлаб «Меҳмонларни ҳалироқ олдингизга олиб ўтарман» деб чиқиб кетганича хануз бедарқ. Соат мана, ўн бирдан ўтаётти. Ўзи Оқсаройга бирров ўтиб келай деса, келди-кетдидан бўшамаётти. Душанба кунлари шунақа, ҳаммага иш этиб ортади.

... «Тахмина» тижорат-восита магозаси аҳолидан қимматбаҳо заргарлик буюмларни олиб-сотиш билан шуғулланади. Айниқса ҳозир, бозор иқтисодига ўтишнинг оғир жараёнлари шароитида пулга эҳтиёжманд оилалар тобора кўпайган сари унинг витриналари ҳам олтин, кумуш ва бошқа нобъ тошлардан ишланган зеб-зийнат ашёларига тўлиб-тошиб бормоқда эди. Бу ердан солиқ назоратидан пинҳона тарзда «қўлдан-қўлга» ўтказиб берилётганлари бундан мустасно. «Тахмина»да шунингдек, хориждан нақд пулга сотиб олиб келинаётган ва унчалик қиммат бўлмаган тақинчоқлар, соатлар, ҳадяликлар, дегандай бежирим заргарлик буюмларининг ҳам

жуда кўп турлари савдога қўйилган. Шу боис бу ерда харидорлар ҳаминша гавжум, олди-сотди ишлари қайнаб турарди.

Тахмина савдо-сотиқ фаолиятига бош-қош холос. У энди ўз ишига анча пухта ва тижорат йўлларини дурустгина ўзлаштириб олган бўлишига қарамай, ҳисоб-китоб ишларини асосан Мумтознинг ўзи топиб келиб қўйган ишончли одами ва қадрони (бу ҳақда бошқа гаплар ҳам қулоққа чалинган, лекин Тахмина бунга эътибор бермаган) Наталья ҳалоллик ва жонқуярлик билан олиб боради. Савдодан тушаётган пулнинг даромад қисминигина қабул қилиб олиш, ходимларни рағбатлантириш, солиқчилар ва бошқа назорат ходимлари билан муомала юритиш, харид ва савдо масалаларида алоҳида фирмалар, алоҳида кишилар билан мулоқот ишларигина Тахминанинг зиммасида.

Вақт Тахминанинг фойдаси учун

ишлаб турибди. Бойлигига бойлик, шуҳратига шуҳрат келиб қўшиляпти. Худо берган беназир гўзаллик, ёшлик ва давлатмандлик қанотлари уни тобора юксакроқ чўққиларга, қамровчи кенгроқ худудларга олиб чиқмоқда. У баъзан атрофга ана шу юксак чўққилардан, олис худудлардан туриб қараб қолганда,

«Ўз бахти»дан беҳад қувониб кетади. Қалби гурур ва фараҳ билан яшнайди. Лекин баъзан ўзи танҳо қолиб, Мумтоз билан биргаликда оилавий ҳаёт, у билан эр-хотинлик муносабатлари ҳаёлини олиб қочса, юраги орқасига тортиб кетгудай бўлади. Мен энди ёши бир жойга бориб қолаётган ана шу эркак билан яшаб ўтавераманми? Охири нима билан тўғайди? Тахминанинг ҳам ҳар қандай аёлга хос, қалбининг туб-тубида яшириниб ётган орзулари бор. У ҳам фарзанд туққиси, бошқа аёллар каби оналик бахтига эга бўлгиси келади. Бироқ бу фарзандлар кимдан, ёши ўзидан анчагина катта, кексалик остонасига қадам босаётган Мумтоздан бўлиши керакми? Унинг болалари айни воқеа етишганда ота тирик буладими-йўқми? Шунга ўхшаш бир-бирига уланиб кетувчи саволлар гирдобига кириб қолгудек бўлса, кўзига ҳеч нима кўринмай қолади, на бу ҳашаматли

даргоҳлар-у, на бу мол-дунё, на бу ҳаловат ва шуҳрат оғушидаги ҳаёт. У кўпинча кўча-куйларда жажжи-жажжи болаларни етаклашиб юрган, бир-бирига худди узукка кўз солгандек муносиб ёш-ёш эр-хотинларни кўрганида юраги эзилиб кетади.

Мумтоз Тахминани жону дилидан яхши кўриши, уни чиндан ҳам еру қўкка ишонмай яшаётгани, у ўзининг бундан кейинги ҳаётини, тақдирини у билан боғлагани аниқ. Шунинг учун ҳам унга атаб мана, қаср қурдирди. У энди Тахминадан фарзанд кўриб, бундан кейинги бутун ҳаётини у билан бирга ўтказмоқчи. Тахмина ҳозир жиддийроқ даволанса, оналик бахтини топишига ишонади, бироқ юқоридаги аччиқ мушоҳадалар уни асоратда тутиб турар эди.

Мана, энди, сира кутилмаганда, ҳаёлидан анча кўтарилиб, унут бўлаётган Акмал ва у билан боғлиқ аллақандай сеҳрли туйғулар унинг фикру ҳаёлини яна банд этиб турибди.

Бу пайт Тошкентдан сал четроқда, Мумтоз ширкатининг яширин ҳолда спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи цехи жойлашган, атрофи баланд қўрғонли бир ҳовлида ота-бола Мумтоз билан Гуландом ўртасида жиддий гап борарди.

Мумтознинг қаҳру ғазабдан кўзлари қизариб кетган, хонанинг четида креслога сиемасдан титраб-типиричилаб ўтирибди. Гуландом ўртадаги стол ёнида, отасига орқа ўтириб олган. Йигидан қовоқлари шишиб кетган. Ўқтин-ўқтин хўрсинади. Худди жунжиккандай, елкалари қалтирайди.

-- Сен мени шарманда қилдинг. Мени ўлдирдинг. Бари умрингга лаънат!

-- Мен қайдан билай... Шопирингизни танимасам, уйингизни кўрмаган бўлсам.

-- Яна гапиради-я! Ўз ифлослигини, ўз фоҳишалигини манга, ўз отасига тан олиб гапиради-я! - Мумтоз ўрнидан сапчиб туриб кетади. - Мен сени ўз қўлларим билан бўғиб ўлдираман!

Гуландом ҳам у билан баравар ўридан туриб отасига энди ғазаб ва нафрат билан тикилди:

-- Ўзингизни босинг! Сиз менга отангман, дейишга ҳаққингиз йўқ. Ахир бизни уялмасдан, ор-номус қилмасдан, ташлаб чиқиб кетган одамсизку! Энди биз билан ишингиз бўлмасин. Биз қаерда яшасак яшайверамиз, нима иш қилсак қилаверамиз! Мени ҳатто паспортимда фамилиям ҳам бошқа!

(Давоми бор)

**СОЛИҚ ҚАХҚОР**

**ДАЙДАН ҚЎЗИНИ**

**ҲАСОРАТ КИНАС**

**ИККИНЧИ**

**КИТОВАДАН**



## КОГОНЛИК СПОРТЧИ ГАЛАБАСИ

Юнонча-римча кураш бўйича республика чемпионатида когонлик ёш спортчи Муслим Умировнинг Ўзбекистоннинг 1998 йилдаги мустақиллик кубоги учун иккинчи халқаро мусобақа голиби Шермухаммад Кузиев /Тошкент вилояти/ устидан галабаси кутилмаган воқеа бўлди.

— Муслим яхши тайёргарлик кўрганни намоён қилди, — деди юнонча-римча кураш республика федерациясининг бош котиби

Раҳим Баҳромов. — Лекин Шермухаммад ёш рақибнинг кучини менсимади.

Бу мағлубият унга Перм шаҳридаги йигин олдидан сабоқ бўлади, уз хатоларини ҳисобга олади, деб ўйлайман. Ўзбекистоннинг юнонча-римча кураш бўйича терма командаси «Мустақиллик кубоги» учун бўладиган халқаро мусобақага тайёргарлик кўриш учун шу шаҳарга боради.

Қолган спортчилар учун Тошкент-

да ниҳоясига етган республика чемпионати шу йил 19-21 март кунлари пойтахтда бўладиган «Мустақиллик кубоги» мусобақалари олдидан яхши имтиҳон бўлди.

Унга ака-ука Шамсиддин ва Аслиддин Худойбердиевлар, Дилшод Орипов, Баҳодир Қурбонов, Зафар Очилов ва Исомжон Кенжаев яхши тайёргарлик билан келишди, улар ўз вазн тоифаларида голиб бўлдилар.

/ЎЗА/

## МАЙДОН

### ЭГАЛАРИ ГОЛИБ

Бухорода баскетбол бўйича мамлакат миллий чемпионати олий лига командалари ўртасида биринчи давра ўйинлари бўлиб ўтди. Бухоро давлат университетининг «Бухоройи шариф» командаси барча учрашувда голиб чиқиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар «Тошшаҳарсозлик» ва «Самарқанд» жамоаларига насиб этди.

Илхом Сафар,  
ЎЗА мухбири

## ЭРКАКЛАР БОЛА ШУҒУЛЛАНАётган дунёга таниқли олим Лорд Уинстон замонавий тиббиёт ютуқлари ҳатто эркакларни ҳомилдор бўлишига ёрдам бера олишини билдирди. Лондонда чоп этиладиган «Санди Таймс» газетасида Уинстон эркак организмга уруғ ўтқазиладиган бўлса, ҳомила яхши ривожланиши учун зарур табиий шароитлар мавжуд, фақат маълум даврдан сўнг болани жарроҳлик йўли билан тугдиришга тўғри келади, деган фикрни айтди. Аммо докторнинг гапига қараганда, бу жараённинг ҳаёт учун хавфли жиҳатлари ҳам бор. Масалан, оналик вазифасини адо этишга чоғланган эркакка кўп миқдорда аёллар гормон дорисини юборишга тўғри келаркан.

Фарзандсизлик муаммолари билан шуғулланаётган дунёга таниқли олим Лорд Уинстон замонавий тиббиёт ютуқлари ҳатто эркакларни ҳомилдор бўлишига ёрдам бера олишини билдирди. Лондонда чоп этиладиган «Санди Таймс» газетасида Уинстон эркак организмга уруғ ўтқазиладиган бўлса, ҳомила яхши ривожланиши учун зарур табиий шароитлар мавжуд, фақат маълум даврдан сўнг болани жарроҳлик йўли билан тугдиришга тўғри келади, деган фикрни айтди. Аммо докторнинг гапига қараганда, бу жараённинг ҳаёт учун хавфли жиҳатлари ҳам бор. Масалан, оналик вазифасини адо этишга чоғланган эркакка кўп миқдорда аёллар гормон дорисини юборишга тўғри келаркан.



## Порахўр суд олдида жавоб беради

Урганч давлат университети ҳузуридаги бизнес-мактаб ўқитувчиси Қудрат Аллашукуров тамбал ўқувчисининг «имтиҳондан муваффақиятли ўтиши»ни 2000 сўмга баҳолаб, ўзининг яқин йиллардаги озодлигини хавф остида

қолдирганини сезмай қолди. У пора олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан ушланди.

— Ҳозирги кунда Хоразмда порахўрликка қарши бир қанча махсус тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди вилоят прокурорининг ёрдамчиси М.Ҳасанов. — Бундай жиноятларни тезда фош қилиш ва бу ҳақда кенг жамоатчиликка хабар бериш ана шундай тадбирлардан биридир. Масалан, 11 февралда жиноят устида қўлга олинган Қ. Аллашукуров иши бўйича тергов аллақачон тугатилди. У яқинда суд олдида жавоб беради.

Т.ШАМАКОВ,  
ЎЗА мухбири

## БЎСАНИНГ ТАРИХИ

Бир-бировидан бўса олиш тарихи ибтидоий даврларга бориб тақаларкан. Қадимги одамлар горларда яшаб юрган вақтларида бир-бирининг терлаган манглайдан ўпиб, вужудидаги туз моддалари мувозанатини сақлашган.

Аммо қадимги янги зеландиялик, эскимослар ва японларда бўса олиш деган нарсанинг ўзи бўлмаган дейишади. Ҳатто илгари Ҳиндистон ва Грецияда ҳам бўсани севги изҳори деб билмаганлар. Ҳозирда ҳам масалан, Фиджи оролида яшовчи севишганлар бир-бирларига дил изҳорини бурнидан тез-тез нафас олиш, энтиқиш билан, айрим қабилалардаги ёшлар севгилисининг яноғи ёки оғзига пуфлаш, баъзилари эса бурнини бурнига ишқалаш билан изҳор этишади.

Ўрта асрларда ҳатто ўпишиш маззусининг ўзи ҳам қатъий ман қилинган экан. Бизнинг замонамизда ер шарни аҳолисининг ундан икки қисми ўн тўрт ёнга етмасдан бўса таълимидан баҳраманд бўлаётган.

## ЖИНОЯТЧИЛАР КЎПРОҚ НИМАНИ ҲҚИШЛАДИ?

Америкадаги махбуслар қамоқхонада кўпроқ нималарни ўқишади: диний китоблар, Шекспир рожеалариними ёки фантастик адабиётлариними? АҚШ Адлия вазирлиги ходимлари ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида қамоқхоналардаги кутубхоналарга тегишли сўровномалар жўнатди. Аммо махбусларнинг на диний ва на изқуварлар ҳақидаги адабиётларга қизиқишлари маълум бўлди. Улар кутубхоначилардан энг кўп сўраб ўқийдиган асарлари «Металларни кесишнинг замонавий техникаси» ва «Хаваскор слесарлар учун қўлланма» экан. Бу қизиқиш изоҳ талаб этмаса керак.

## ‘ТОШШАҲАРИОКТРАНС’ концернига қарашли очик турдаги 127-АВТОКОРХОНА баланси (1999 йил 1 январь ҳолатига)

### I. АКТИВ

#### 1. Узоқ муддатли активлар

Асосий воситалар бошланғич - қайта тиклаш қиймати 01	- 43175,9
эскириш 02	- 21837,6
қолдиқ қиймат	- 21338,3
капитал қўйилмалар 08	- 656,8
узоқ муддатли инвестициялар 06	- 360,6
жаъми I-булим бўйича:	- 23144,6

#### II. АЙЛАНМА АКТИВЛАР

БАЛАНС:	- 31623,3
ПАССИВ:	
1. Ўзлик маблағларининг манбаалари	
Низомда белгиланган капитал 85-1	- 13713,5
қўшилган капитал 85-2	- 6504,7
резервний капитал 85-3	- 622,0
тақсимланган фойда 87	- 1968,5
жаъми I-булим бўйича:	- 22808,7
2. Бошқа пассивлар 49	-

III. МАЖБУРИЯТЛАР	- 31959,2
БАЛАНС:	- 54767,9

127- Ҳиссадорлик автотранспорт жамоаси 1998 йил кунлари бўйича умумжамоа йиғилишини 1999 йил 19 март соат 16.00 да ўтказди.

МАНЗИЛ: 700034, Тошкент ш.  
Қорасарой кўчаси, 325-уй.

“Ҳожи - Туроб” хусусий фирмаси учун берилган 988-сонли, серия СД 010690 988-сонли, серия АП 2902 гувоҳномалари йўқолганлиги учун БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

“Туркистон” газетаси таҳририяти Республика “Камолот” жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси, Олий Мажлис депутати Боймурод Юсуповга отаси

Жўра бобонинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир  
Гулнора ХОЛБЕКОВА



ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Абдуқодир — 136-56-58  
Хатлар бўлими — 133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:

700034 Тошкент Мажбуриятлар кўчаси, 325-уй  
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назардан фарқлангани мумкин.